
Тадбиркорлар учун навбатдаги қабул ўтказилди

Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев томонидан ҳар ҳафтада тадбиркорлар учун қабул ўтказилмоқда. Бугун ўнга яқин фуқаролар "Тадбиркорлар уйи"да ўзларини қийнаётган муурожаатларини туман ҳокимига етказишди.

А.Джурабаев ва мутасадди идоралар раҳбарлари иштирокида ўрганилган муурожаатлар қатъий назоратга олинди. Ҳар бир муурожаат алоҳида тартибда ўрганилиб, ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

"Тадбиркорлар уйи" фаолиятини янада фаоллаштириш, муаммоларни тез фурсатларда бартараф этиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди. Қабул давомида тадбиркорларнинг фаолиятларини кенгайтириш бўйича ер майдони масаласи, имтиёзли кредит олиш ва бошқа шу каби муурожаатлари эшитилди.

Муурожаатларнинг уchtаси шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди. Муддат ва ўрганиш талаб этган муурожаатлар эса ижрога қаратилди.

2022-01-19 19:37:26